

УДК 338.24.021.8

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бектемиров А.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Инвестиция ва инновациялар”  
кафедраси муdiri, и.ф.д., Самарқанд, Ўзбекистон  
usmat-57@mail.ru

**Аннотация.** мазкур мақолада ноёб илмий ғоялар асосида вужудга келган рақамли иқтисодиёт хусусиятлари, унинг ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришидаги аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан биргаликда тижорат банклари фаолиятида рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос аҳамияти ва ўрни ҳамда унинг истиқболлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** тармоқли иқтисодиёт, электрон тармоқлар, рақамли иқтисодиёт, виртуал иқтисодиёт, рақамли коммуникациялар, замон ва макон, инновациялар, банк-мижоз, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, SMS-банкнинг, инфокиосклар.

### I. КИРИШ

Бугунги кунлик ҳаётимизга бир назар ташлайдиган бўлсак сезиб, ёки сезмасдан туриб рақамли иқтисодиётнинг элементларидан фойдаланамиз, гуёки бу табиий ҳолдек. Аслини олганда уларнинг яратилиши ноёб илмий ғояларга асосланади. Бу ғоялар аввало оддий глобал алоқаларни ўрнатишга қаратилган бўлиб, кейинчалик иқтисодиётда у, ёки бу шаклда фойдаланиш мумкинлиги аниқланиб, оддийдан мураккаб жараёнларни қамраб олди. Айниқса Глобал Интернет ахборот алмушинуви муҳитининг вужудга келиши ва ривожланиш шароитида, айнан шу муҳит имкониятларидан фойдаланадиган **тармоқли иқтисодиёт** тушунчаси пайдо бўлдики, унинг мазмун-моҳияти қуйидагича:

**тармоқли иқтисодиёт** – электрон тармоқлар (рақамли телекоммуникациялар) ёрдамида амалга ошириладиган иқтисодий фаолият.

Технологик жиҳатдан тармоқ иқтисодиёти юридик ва жисмоний шахсларнинг биргаликда фаолият юзасидан бир-бирлари билан боғланиши мумкин бўлган муҳитдир [1].

Бу муҳит шундай муҳитки, унда ахборот алмушинуви имконияти билан бирга унинг алмашиш тезлиги тармоқли иқтисодиётнинг жуда тез ривожланишига олиб келди. Бунинг натижасида тармоқдаги барча ташкилот ва корхоналар яқдиллиги пайдо бўлиши билан бирга хўжалик фаолиятини юритишнинг ноёб шакллари вужудга келди. Тармоқли иқтисодиёт **рақамли иқтисодиётни, электрон иқтисодиётни ва виртуал иқтисодиётни** қамраб олади. Унинг ядросини рақамли технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт ташкил этади. Ўз мазмун-моҳиятига кўра рақамли иқтисодиёт қуйидагиларни англатади[2].

**рақамли иқтисодиёт (интернет иқтисодиёти, электрон иқтисод)** – бу

электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ бўлган рақамли технологияларга ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотиладиган рақамли товарлар хизматлардир [3].

Электрон иқтисодиётнинг вужудга келиши ўтган асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Бу вақтга келиб Интернет глобал ахборот тармоғининг ривожланиши натижасида биринчи Интернет магазинлар вужудга келди ва ривожлана бошлади. Кейинчалик иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб ола бошлади.

Рақамли иқтисодиёт ўзининг виртуаллиги билан бошқа хўжалик фаолиятидан тубдан фарқ қилади. Виртуаллик бу географик нуқтаи назардан маконни, ахборотларнинг сақланиши имкониятларининг катталиги нуқтаи назардан эса замонни бир-бирига яқинлаштиради.

Бугунги глобаллашув жарёнида миллий иқтисодиёмизда ҳам рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида қўлланилаётган инновацион ишланмалардан, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш зарурати туғилмоқда. Худди ана шунинг учун ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган [4]. Бу эса бугунги кунда замонавий инновацион ишланмалар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг асосий мезони сифатида қаралиши зарурлигини билдиради.

Хўжалик субъектларининг оддий фаолият юритишидан тортиб, хўжаликлараро муносабатларида бу имкониятлардан фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда. Бу соҳада жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса давлат бошқарув органларида, солиқ, банк, товар хом ашё ва фонд бозорлари, суғурта ва коммунал хизматлар тизимида кенг қамровли рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланилмоқда. Шундай бўлсада бу йўналишда амалга ошириладиган ишлар, ечимини қутаётган масалалар мавжуд. Бу мазкур тадқиқотимизнинг асосий йўналишини белгилаб беради. Шу йўналишни батафсил ёритишда рақамли иқтисодиётнинг замонавий элементларини ўзида мужассам этаётган тижорат банклари тадқиқот объекти бўла олади. Шунинг учун рақамли иқтисодиёт ютуқларидан фойдаланиш ҳолати ва унинг истиқболларини тижорат банклари фаолияти мисолида кўриб чиқамиз.

## **II. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ.**

Ҳар қандай мамлакатда мижозларга кўрсатиладиган кредит ҳамда молиявий хизматларнинг асосий қисми банklar улушига тўғри келади. Банklar иқтисодиётни тартибга солинишидан манфаатдор бўлиб, жалб қилинган ва жамланган маблағларни тақсимловчи, молиявий бозорларга чиқиш йўлларини мустақил белгилаб олувчи муассасалар бўлиб ҳисобланади. Банklarнинг фаолияти корхоналарнинг тижорат манфаатларини қўллаб-қувватлашга, янги хўжалик шаклларини жорий этишни

рағбатлантиришга йўналтирилган бўлиб, “Мижоз – банк учун эмас, банк – мижоз учун” деган тамойил асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори билан банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони билан банк хизматларининг сифати ва тезлигини ошириш учун янги рақамли маҳсулотларни жорий қилиш вазифалари мамлакат банк тизими фаолиятини такомиллаштиришда энг долзарб масалалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Узоқ муддатли истиқболда молия бозорида рақобатбардошликни таъминлаш учун юртимиздаги тижорат банклари мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги форматига ўтмоқда. Ташкил этилаётган янги инновацион банк хизматлари марказлари мижозларга хизмат кўрсатиш форматини ўзгартириш, мижозларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, мижозларга маслаҳатлар бериш ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, уларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини оқилона қондириш ва банк брендини, нуфузини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланувчилар, жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан

бошқариш тизимларидан («банк-мижоз», «интернет-банкнинг», «мобил-банкнинг», «SMS-банкнинг») фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Аҳоли ўртасида мобил телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан мобил-банкнинг ва SMS-банкнинг хизматлари йўлга кўйилишига олиб келди.

Тижорат банкларининг инновацион фаолияти янги технологиялар ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ. Бу жараёнларнинг барчасини кутилган натижага энг кам риск билан эришиш мақсадида бозор вазиятига объектив баҳо беришга имкон яратадиган маркетинг тадқиқотлари ўтказмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди ва бу айниқса, инновацион ривожланиш шароитларида муҳим аҳамият касб этади ҳамда шу йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Ушбу монографик тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳам айнан шу билан белгиланади.

Тижорат банкларининг операциялари, хусусан, инновацион фаолияти, масофавий банк хизматларининг назарий-услубий асослари, унинг турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар шароитида амал қилиш қонуниятлари, хусусиятлари билан боғлиқ масалалар қатор хорижий ва МДХ давлатларининг иқтисодчи олимлари Г. Н. Белоглазова, А. П. Аксенов, Е. Б. Герасимова, Н. Н. Мартыненко, Н. А. Агеева, Frederic S. Mishkin [2-7] томонидан тадқиқ этилган.

Республикаимиз олимлари Ш. Абдуллаева, У. Ў. Азизов, Т. И. Бобакулов, У. А. Абдуллаев, Ж. Я. Исаков, А. А. Омонов, Т. М. Қоралиев [8-12] ларнинг илмий асарларида молия-банк тизими ривожланишининг

назарий ва методологик жиҳатларини ўрганган ҳолда банкларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Банк хизматлари ривожланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Анъанавий;
2. Ноанъанавий.

Тижорат банкларининг анъанавий банк хизматларига банкларнинг ташкил топиши билан мижозларга кўрсатиб келинаётган банк хизматлари кириб, улар барча банкларга хосдир.

Яъни, тижорат банкларининг кредитлаш операциялари ва депозит операциялари анъанавий хизматларнинг асосини ташкил этади.

Банкларнинг ноанъанавий хизматлари бу банклар фаолиятига жадал кириб келаётган рақамли технологияларга асосланган банк хизматларидир. Тижорат банкларининг ноанъанавий хизматлари банк мижозлари учун хизматлар сифати ошишига ва банк хизматлари турлари кўпайиб боришига ҳамда масофадан туриб хизмат кўрсатишга олиб келади.

Анъанавий банк хизматларини эндиликда масофадан туриб амалга ошириш имконияти барчага бирдай маъқул келгани натижаси ўлароқ унинг сегментларга ажралиши юз берди.

Масофадан туриб бошқариладиган банк хизматлари бевосита электрон воситалар ёрдамида амалга оширилиши табиий ҳол бўлиб, барча масофавий банк хизматларига нисбатан янгича электрон банкинг деган таъриф ҳам ишлатила бошланди. Уларга Mobile-Банкинг, Phone-Банкинг, Video-Банкинг, Web-Банкинг, WAP-Банкинг, SMS-Банкинг, PC-Банкинг, «Банк-мижоз» тизими,

«Internet-Banking» кабиларни киритиш мумкин [13].

2022 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, республикада 33 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, уларнинг 5 таси хусусий тижорат банклар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг хизматлари тобора кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда, улар янги, истиқболли мижозларни жалб қилиш учун рақобатлашмоқдалар.


Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар юқори технологик хусусиятларга эга бўлиб, мижозларга кўрсатиладиган масофавий хизматларнинг кенг ривожланишига замин яратди. Ҳозирги кунда республикада банклараро рақобатнинг ривожланиб бориши билан, тижорат банкларининг инновацион технологиялардан фойдаланиб банк хизматларини кўрсатиш амалиёти такомиллашиб бормоқда. Тижорат банкларида банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобиль-банкинг, SMS-банкинг) дан фойдаланувчилар сони ҳам доимий ортиб бормоқда (1-диаграмма).

Келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ойма-ой ошиб бораяпти. 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони жами 14 571 094 тани ташкил этган бўлса, 2022 йил бошига бу кўрсаткич 1,39 бараварга ошиб 20 203 384 тага етди. 2022 йилнинг 1 апрел ҳолатига эса инновацион банк хизматларидан

фойдаланувчилар сони жорий йил бошига нисбатан 1 851 007 тага кўпайиб, 22 054 391 тани ташкил этди.

Ҳозирги кунда тижорат банклари аҳолига қулайлик яратиш ва замонавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида 24/7 режимида, кечаю кундуз узлуксиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил қилиб, фойдаланишга топшириб келмоқда.

Шаҳобчалар замонавий банк хизматларини кўрсатувчи банкоматлар, инфокиоск, инфомонитор ва «Интернет-банкнинг» хизматидан фойдаланувчи юридик шахслар, шу жумладан, яққа тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи клавиатурали инфокиоск қурилмалари билан жиҳозланмоқда. 24/7 режимида ишлайдиган мазкур шаҳобчаларнинг кўпайиши банкомат ва инфокиосклар сонининг ошишига олиб келмоқда



**1-диаграмма.** Ўзбекистон Республикасида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони динамикаси (дона)

Банкоматлар орқали фуқаролар куннинг исталган вақтида сўм, валюта пластик карталаридаги маблағларни нақдлаштириши мумкин. Шунингдек, айрим тижорат банклари томонидан ўрнатилган Uzcard cash-in функцияларини қўллаб-қувватловчи NCR SelfServ 6632 русумидаги янги банкоматлар орқали Uzcard картани мустақил равишда пул маблағи билан тўлдириш имкони яратилди. «Cash-in» ва «cash-out» функцияларидан ташқари, ушбу банкоматларда чет эл валютасини маҳаллий пул бирлигига тўғридан-тўғри конвертация қилиш имконияти яратилган. Валюталар

курси эса комиссия тўловларисиз ушбу банкоматга хизмат кўрсатаётган банк томонидан ўрнатилади.

Инфокиосклар орқали тўловларни пластик карточкалардан ва нақд пулда қабул қилиш, пластик карточка ҳисобварағи ҳаракати тўғрисида маълумот олиш, «SMS-хабарнома» хизматига уланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, инфокиосклар ёрдамида банкдан олинган кредитларнинг асосий ва фоиз қисмини қайтариш, турли коммунал тўловлар, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет



хизмати учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2020 йил бошига 20 547 366 тани, 2021 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 5 228 296 тани ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январга уларнинг сони 2019 йилга нисбатан 1,32 бараварга 2020 йилга нисбатан эса 1,10 бараварга ошиб, 27 105 785,12 тага етди [15]. Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига муомалага чиқарилган банк пластик карталари сонининг йил бошига нисбатан 1 227 253 тага кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирда банкларнинг инновацион фаолияти ривожланиши муносабати билан электрон банк пластик карталарининг муомалага чиқарилиши оммалашган. Шунга мос равишда 2020 йил 1 январ ҳолатига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 392 361 тани ташкил этган бўлса, йил давомида терминалларнинг ошиш тенденцияси кузатилаяпти. 2021 йил бошига бу кўрсаткич 438 410 тага етди, яъни ўсиш даражаси 1,12 бараварга тенг [15].

Банк муассасалари томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра 9 203 та бўлган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига банкларнинг банкоматлари ва инфокиосклари сони 11 800 тага етди. 2022 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 2021 йил бошига нисбатан 1 140 тага кўпайиб 12 940 тани ташкил этди [15].

Рақамли иқтисодиёт элементларининг инновацион тарзда банклар фаолиятига жорий қилиниши натижасида банкларнинг активларида 2020 йил 1 январга нисбатан 163% га, 2021 йил 1 январ ҳолатига нисбатан эса

122% га ижобий ўзгариш яққол кўринмоқда. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми ҳам 2022 йил 1 январда 2019 йил якунига нисбатан 154% га, 2020 йил якунига нисбатан эса 118% га ошган. Жисмоний ва юридик шахслардан банк муассасаларига жалб қилинган депозитлар миқдори 2020 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 1,72 бараварга, 2021 йил 1 январ ҳолатига қараганда эса 1,36 бараварга кўпайиб, 2022 йил бошига 156 189,8 млрд. сўмни ташкил этди. Банкларнинг ялпи капитали миқдорини ҳам йиллар сайин кўпайиб борганлигини кўришимиз мумкин. 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра маҳаллий тижорат банкларининг жами капитали 70,9 трлн. сўмга етган [15]. Бундай ўзгаришлар эса, банк хизматлари кўламининг кенгаётганлигидан далолат беради.

### **III. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНКЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

Тижорат банкларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш ва қуйидаги янги хизмат турларини жорий қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонини 2030 йилгача 20 млн.тадан ошириш.

2. Мижозлар манфаати кўзланган ҳар бир молиявий хизматнинг туб моҳиятини, фойдали ва бошқа жиҳатларини мижозларга тушунтириб бериш билан шуғулланувчи банк бўлимлари фаолиятини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

3. Банк пластик карточкалари фойдаланувчиларининг маблағлари бут сақланишини ва тўлов хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар белгилаш зарур.

4. Жисмоний шахслар уларга очилган банк ҳисобварақларини мобиль иловалар ёки веб-сайтлар орқали тўғридан-тўғри бошқариш имкониятига эга бўлишлари лозим.

5. Банклар мижозларга маълум бир муддатга белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи банк кредит карталарини муомалага киритишлари, шу билан бирга, дебет банк пластик карточкаларига микро-қарз ёки овердрафт кредитларини бериш амалиётини кенгайтиришлари мақсадга мувофиқ.

6. Тўлов терминаллари орқали халқаро ва маҳаллий банк пластик карточкалари орқали узлуксиз тўловларни қабул қилиш имконини берувчи дастурий таъминотни жорий этиш лозим. Бу мамлакатимизда бўлган хорижлик сайёҳларга қулайлик яратиш билан бирга уларнинг мамлакатимиз банк тизимида бўлган ишончини орттиради.

7. Банк омборларида етарли миқдордаги терминаллар, пластик карточкалар ва инфокиосклар захирасини доимий равишда шакллантириб туриш бўйича чоралар кўриш ва ўз вақтида таъминланишига эришиш, терминалларни ижарага бериш амалиёти билан бирга уларни сотиш ёки лизингга беришни ташкил этиш лозим. Шунингдек, тўлов терминаллари ва банк ускуналарига тезкор техник хизмат кўрсатиш кўламини янада яхшилаш керак.

8. Тижорат банкларида веб-сайт орқали юридик ва жисмоний шахсларга интерактив хизматларни кўрсатиш бўйича қуйидаги хизмат турларини жорий қилиш ва кенгайтириш лозим:

- банк карталарини олиш учун буюртмаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш муддатлари ҳамда банк карталарининг фойдаланишга тайёрлиги ҳақидаги хабарнома функцияларига эга бўлган хизматларни жорий этиш;

- тадбиркорларга кенг кўламли хизмат кўрсатиш мақсадида кредит олиш учун зарур бўлган электрон ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда топширилган ҳужжатларнинг белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ҳақида хабар қилиш;

- кредитлар миқдори ва улар бўйича фоиз ставкалари, кредит фоиз ставкалари бўйича ойлик тўловлар миқдори, кредитнинг максимал суммаси ва бошқа ҳисоб-китоблар воситалари сифатида фойдаланиш учун интерактив кредит калькуляторини жорий этиш [13].

9. Банкнинг ютуқлари, мижозларга кўрсатадиган замонавий банк хизматлари ва стратегик режалари борасида мижозларни хабардор этишнинг қулай шакллари яратиш.

## IV. ХУЛОСА

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш миллий иқтисодиётнинг юксалишида муҳим рол ўйнайди. Шунга кўра инновацион фаолиятни амалга ошириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарлар билан чамбарчас боғлиқлиги равшан. Шу

боис, банклар мижозлар ҳимояси ва кўрсатилаётган хизматлар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши, замонавий банк хизматларининг жорий этилиши, янги технологиялардан фойдаланиши банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга олиб келади.

### АДАБИЁТЛАР

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони
- [2] *Г.Н.Белокурова*. Банковское дело: розничный бизнес. учеб. пособие - М.: КноРус, 2010 г.;
- [3] *А.П.Аксенов*. Дистанционное банковское обслуживание. учеб. пособие - М.: КноРус 2010 г.;
- [4] *Герасимова Е.Б.* Банковские операции: Учебное пособие / Е.Б. Герасимова, И.Р. Унанян, Л.С. Тишина. - М.: Форум, 2013. - 272 с.;
- [5] *Мартыненко Н.Н.* Банковские операции: Учебник для академического бакалавриата / Н.Н. Мартыненко, О.М. Маркова, О.С. Рудакова. - Люберцы: Юрайт, 2016. - 612 с.;
- [6] *Агеева Н.А.* Основы банковского дела: Учебное пособие/ -М.:ИЦ РИОР, НИЦ ИНФРА-М, 2014. -274 с.;
- [7] *Frederic S.Mishkin*. The economics of money, banking and financial markets. Pearson Education Limited. 2015. 695 pages.
- [8] *Абдуллаева Ш.З.* Банк иши. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 2017. –768 б.;
- [9] *Азизов У.Ў. ва бошқалар*. Банк иши. Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. – 640 б.;
- [10] *Бобақулов Т.И., Абдуллаев У.А., Исаков Ж.Я.* “Монетар сиёсат”. Дарслик. – “Иқтисод-Молия”, 2019. –274 б.;
- [11] *Бобақулов Т.И., Абдуллаев У.А.* “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” Дарслик. - «Иқтисод-Молия» - Тошкент, 2019 йил, 232 б.;
- [12] *Омонов А.А, Қоралиев Т.М.* “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й. – 461 б.
- [13] *Умаров З.* Янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш. Илмий мақола. “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2019 й., 1-сон.
- [14] [http://www.glossary.ru/cgi-bin/gl\\_sch2.cgi?RRlylig9!\\_qutusoqg](http://www.glossary.ru/cgi-bin/gl_sch2.cgi?RRlylig9!_qutusoqg)
- [15] [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

Поступила в редакцию 12.09.2022

**Citation:** *Бектемиров А.* Рақамли иқтисодиёт шароитида миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш истиқболлари. // Raqamli texnologiyalarning nazariy va amaliy masalalari xalqaro jurnali. – 2022. – № 1(1). – В. 80-88.



## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SECTORS OF THE NATIONAL ECONOMY IN THE DIGITAL ECONOMY

*Bektemirov A.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Head of the Department “Investments and Innovations” of the Samarkand Institute of Economics and Service, DSc in Economics, Samarkand, Uzbekistan  
usmat-57@mail.ru

**Abstract.** *The paper describes the features, that arose on the basis of unique scientific ideas, of the digital economy, its formation and significance in the development of economic sectors. Moreover, the article shows the special significance and role of the digital economy in the activities of commercial banks and its prospects.*

**Keywords:** *network economy, electronic networks, digital economy, virtual economy, digital communications, time and space, innovations, bank-client, internet-banking, mobile-banking, SMS-banking, infokiosks.*

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

*Бектемиров А.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Заведующий кафедрой “Инвестиции и инновации” Самаркандского института экономики и сервиса, д.э.н., Самарканд, Узбекистан  
usmat-57@mail.ru

**Аннотация.** *в данной статье описываются возникшие на основе уникальных научных идей особенности цифровой экономики, ее становление и значение в развитии отраслей экономики. Наряду с этим, показаны особая значимость и роль цифровой экономики в деятельности коммерческих банков и ее перспективы.*

**Ключевые слова:** *сетевая экономика, электронные сети, цифровая экономика, виртуальная экономика, цифровые коммуникации, время и пространство, инновации, банк-клиент, интернет-банкинг, мобильный банкинг, SMS-банкинг, инфокиоски.*